

**Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги
қўмитаси муассасаларида ижро интизоми, жисмоний ва юридик
шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг ҳолати тўғрисида**

МАЪЛУМОТНОМА

(2023 йил 01.07. ҳолатига)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қуйидаги тизимлар орқали келиб тушади. Улар:

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси;**
- **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан;**
- **Тадбиркорлар виртуал офиси ахборот порталидан** *(аввалги Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси);*
- **Соғлиқни сақлаш вазирлигидан (ЭҲА);**
- **ёзма, оғзаки, ишонч телефони ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушган мурожаатлар.**

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлик қўмитасига 2023 йилнинг 6 ой давомида жами **1539 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **1374 таси (89,2%)** виртуал тизим орқали, **62 таси (4,1%)** ёзма, **53 таси (3,4%)** оғзаки ва **50 таси (3,2%)** ЭҲА (ЭДО) орқали келиб тушган.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда:

- Тошкент шаҳридан – 223 та,
- Андижон вилоятидан - 68 та,
- Бухоро вилоятидан- 68 та,
- Жиззах вилоятидан- 56 та,
- Қашқадарё вилоятидан - 114 та,
- Навоий вилоятидан - 40 та,
- Наманган вилоятидан - 74 та,
- Самарқанд вилоятидан - 83 та,
- Сурхондарё вилоятидан - 58 та,
- Сирдарё вилоятидан - 24 та,
- Тошкент вилоятидан - 178 та,
- Фарғона вилоятидан - 89 та,
- Хоразм вилоятидан - 48 та,
- Қорақалпоғистон Республикасидан - 37 тадан мурожаатлар келиб

тушган.

Таснифлар бўйича:

- **раҳбар ва ходимлар ҳатти-ҳаракати юзасидан 7%** (2022й - 14,9%) (Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан, раҳбарлар ва мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари ва

қарорлари устидан шикоят, бошқа давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норозилик);

- **меҳнат ва аҳоли бандлиги юзасидан 20%** (2022й -12,4%) (ишдан ноқонуний бўшатиш, меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш, иш ҳақини вақтида ва тўлиқ тўламаслик, иш ставкаси камлиги, қўшимча тўловлар тўланмаганлиги);

- **аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги бўйича 43%** (2022й -43,6%) (санитария қоидалари ва меъёрларини бузилиши, санитария назорати, эпидемиология масалалари, гепатитлар ва бошқа тур юқумли касалликларга қарши вакцинация, даволаш-профилактика ёрдами, шошилиш ва тез тиббий ёрдам, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш);

- **коронавирус билан боғлиқ муаммолар бўйича 4% дан ортиқ** (2022й -11,3%) (булар карантин билан боғлиқ муаммолар, карантин даврида меҳнат муносабатлари, коронавирус тарқалиши билан боғлиқ муаммолар);

- **дезинфекция тартиблари тўғрисида 3%** (2022й -1,5%);

- **тиббий муассасаларнинг фаолиятдан норозилик 3%** (2022й -4,5%);

- **санитария-эпидемиологик хулосалар, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ва бошқа масалалар 15%** (2022й -17%);

- **мурожаатларнинг 4%** соҳага оид таклифлар ҳамда

- **мурожаат турларига киритилмаган аризалар 0,6%** миннатдорчилик ва ташаккурномалардан иборат.